



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ  
МИЛЛИЙ БАНКИ



ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ  
ANNUAL REPORT 2016



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ  
МИЛЛИЙ БАНКИ





## МУНДАРИЖА

1. БОШҚАРУВ РАЙСИНинг КИРИШ СЎЗИ	4
2. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖЛАНИШИНГ ЭНГ МУҲИМ ЯКУНЛАРИ	8
3. 2016 ЙИЛДАГИ БАНК ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЯКУНЛАРИ	12
4. БАНК ХАЛҚАРО МАЙДОНДА	21
5. КОРПОРАТИВ БАНК	27
Филиаллар тармоғи	28
Кредит фаолияти	28
Лойиҳаларни молиялаштириш	31
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш	37
Қишлоқ қурилишини кредитлаш	39
6. ЧАКАНА БАНК	41
Омонат операциялари	42
Пластик карточкалар	45
7. ИНВЕСТИЦИЯ БАНКИ	49
8. БАНК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ	52
9. БАНК ХОДИМЛАРИ	55
10. БАНК ҚОШИДАГИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ЭКСПОРТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМФАРМАСИ	59
11. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАСВИРИЙ САНЪАТ ГАЛЕРЕЯСИ	63
12. 2017 ЙИЛ УЧУН ВАЗИФАЛАР	66
13. АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ	69

## CONTENTS

1. OPENING REMARKS BY THE CHAIRMAN	4
2. THE ANNUAL RESULTS OF ECONOMIC DEVELOPMENT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN IN 2016	8
3. MAJOR PERFORMANCE RESULTS OF BANK'S OPERATION IN 2016	12
4. INTERNATIONAL AFFAIRS OF THE BANK	21
5. CORPORATE BANK	27
Branch network	28
Lending Activity	28
Project Financing	31
Crediting of Small Business and Private Entrepreneurship	36
Lending of rural construction	38
6. RETAIL BANK	41
Deposit operations	42
Plastic cards	44
7. INVESTMENT BANK	49
8. DEVELOPMENT OF BANKING TECHNOLOGIES	52
9. BANK'S PERSONNEL	55
10. FUND FOR SUPPORT OF EXPORT OF SMALL BUSINESSES AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIPS UNDER THE BANK	59
11. GALLERY OF THE ARTS OF UZBEKISTAN OF THE BANK	63
12. OBJECTIVES FOR 2017	66
13. INDEPENDENT AUDITORS' REPORT	69



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ  
МИЛЛИЙ БАНКИ



## БОШҚАРУВ РАИСИННИГ КИРИШ СЎЗИ

OPENING REMARKS BY THE CHAIRMAN

## Қадрли мижозлар ва ҳамкорлар,

Аввалом бор, Сизларга жамоамиз номидан ўтган йиллар давомида банкимизга билдирган ишончингиз ва кўмагингиз учун алоҳида миннатдорлик билдирамиз. Зоро, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкинниг бугунги мавқеи – молиявий жиҳатдан ҳартомонлама барқарорлиги, мустаҳкам ва йирик мижозлар базасига эгалиги, инфратузилмавий кенг қамровлиги Сизлардек содик шериклар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг бебаҳо маҳсулидир. Умид қиласизки, бундан кейин ҳам мақсадларимиз муштараклиги йўлида янада жипсликда юқори чўйқиларни забтэтамиз.

Таъкидлаш жоиз, ўтган 2016 йил республикамиз иқтисодиётини бошқаришни янада либераллаштириш шароитида банк тизими-нинг барқарорлигини таъминлаш, соҳани ислоҳ этиш ва янада ривожлантириш борасида ҳукуматимиз раҳбарияти бошчилигига қатор устувор вазифалар белгиланиб, бугунги кунда улар ижроси юзасидан фаол ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, ТИФ Миллий банки ҳам мамлакатимизнинг энг йирик кредит ташкилотларидан бири сифатида Ўзбекистонни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш, халқаро молия бозоридаги иштирокини кенгайтириш учун янгича ёндашув ва тамойиллар билан молия бозорида фаол иштирок этиб, тизимнинг энг муҳим йўналиши бўлган кредитлаш соҳасида иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини қўллаб-қувватлаш, ишлаб турган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, юқори самарали янги ишлаб чиқаришларни жорий этиш чоратади. Тадбирларини молиялаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг имкониятлар бериш, маҷаллий хом-ашё ресурсларидан фойдаланиш ва уларни қайта ишлашга асосланган, импорт қилинаётган истеъмол моллари ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларни барпо этишга жиддий эътибор қаратди.

Йирик инвестициявий муассаса сифатида эса, банк нефть-газ, ёқилғи-энергетик, енгил

## Dear clients and partners,

First, on behalf of our team let me express special thanks to you for your belief in our bank and help during last years. Indeed, the present status of the Bank for foreign economic activity of the Republic of Uzbekistan—that it is financially sustainable, has a significant and strong client base, possesses a wide infrastructure is the invaluable result of mutually beneficial cooperation between bank and loyal partners like you. We hope that our highest aspirations will come true with us being united for achieving our future aims.

It should be noted that in 2016 the liberalization of economic policies priority tasks were defined by the Head of our government to provide sustainability for implementation of reforms in and further development of banking system and these days their implementation is carried out through active measures.

In turn, the National bank for foreign economic activity, as one of the large credit institutions in the country, is taking an active part in the development of Uzbekistan at the sustainable and faster speed increasing its participation on the world financial markets with the help of new approaches and principles and pays a serious attention to the development of crediting, which is one of the most important directions of the system, through supporting important industries in the economy, modernizing the current production, technical and technological renovation, financing the measures for setting-up highly efficient productions, proving large opportunities to small business and entrepreneurship, creation of production aimed at the localization of imported consumer products based on the use and reuse of local raw materials.

As a large investment institution, the Bank has been providing financial support to the relevant enterprises and organizations for the implementation of regional infrastructure projects such as oil and gas, fuel, energy, light industry, machinery, communications, transport and logistics, agro-industrial and information communication technologies.

Also, in the modernization of the retail

саноат, машинасозлик, алоқа, транспорт ва логистика, аросаноат, ахборот-коммуникация технологиялари, шунингдек, худудий инфраструктузилмавий лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилишида тегишли корхона ва ташкилотларга молиявий мадад бўлди.

Чакана банк бизнесини модернизациялашда ҳам ТИФ Миллий банки учун 2016 йил сермаҳсул давр бўлди. Бу борада банк янги, жозибадор хизматларни жорий қилиш билан бирга ўзининг минтақавий бўлим, филиал ва қўйи хизмат кўрсатиш тузилмалари имкониятларини бугунги кун талабларига мувофиқлаштириш тадбирларини қайта кўриб чиқди.

Албатта, ҳам интелектуал, ҳам молиявий жиҳатдан кучли бўлишни тақозо этувчи шулар сингари стратегик амалларни банк тизимли равишда бажариб, салмоқли натижаларга эришиш йўлида ўз ресрусларини шакллантириш, бунда хорижий кредит линияларни жалб қилиш ҳамда ходимлар малакасини оширишга алоҳида урғу берди.

Пировардида, нуфузли халқаро рейтинг агентликлар – “Moody's” ҳамда “Standart&Poor's” ТИФ Миллий банк фаолиятини юқори баҳолаб, аввал тақдим этган рейтингларини қайта тасдиқлади.

Барчангизга маълум, мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилди. Давлат ва жамият қурилиши тизимини тубдан такомиллаштиришни ўз ичига олган ушбу муҳим ҳужжат ижро механизмини намунали тарзда йўлга қўйишда бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошчилигида тижорат банклари томонидан ҳам кенг кўламли саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Жумладан, тизимни илфор халқаро тажрибалар асосида такомиллаштириш, миллий валюта ва ички бозордаги нархларнинг барқарорлигини таъминлаш, миллий валюта курсини шакллантиришда замонавий бозор механизмларини жорий этиш, пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш, банклар депозит базасининг капитализациясини чуқурлаштириш, барқарорлигини ошириш ҳамда уларнинг ишончлигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестицион лойиҳалар ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини

banking business 2016 has been a fruitful year for the National Bank. In this regard, with the introduction of new attractive services, the Bank revised its measures of making its regional branches and subordinated structures meet the today's requirements.

Indeed, having implemented strategic actions such as those leading to becoming both intellectually and financially stronger, the Bank has paid a special attention to forming its own resources with attracting foreign credit lines and improving the skills of its staff on the way to accomplish significant results.

Finally, reputable international rating agencies - Moody's and Standard&Poor's -evaluated performance of National Bank for Foreign Economic Activity (NBU) positively and reaffirmed their previous ratings.

It is well-known that in our country Five Area Strategy of Actions on the further development of the Republic of Uzbekistan for 2017-2021 has been developed under the initiative of President Shavkat Mirziyoyev. Commercial banks also carry out extensive efforts under the leadership of the Central Bank of the Republic of Uzbekistan to exemplify the implementation of this important document, which includes the radical improvement of the state and society construction. In particular, the improvement of the system on the basis of advanced international experience, maintenance of stability of national currency and prices in the domestic market, introduction of modern market mechanisms in the formation of the national currency exchange rate, further improvement of monetary policy, intensification of capitalization of banks' deposit base, investment projects and increasing the volume of crediting of small businesses and private entrepreneurship, expanding cooperation with international financial institutions, increasing foreign investment, were determined as the priorities of the sector.

The National Bank for Foreign Economic Activity of Uzbekistan supports the achievements of these aims and this year also focuses on further development its financial position, its business while further contributing to increasing the standards of the country's socioeconomic life and, in particular, becoming geographically closer to the population, learning the benefits that customers get in the area of financial services, offering new types of services using modern information and communication technologies, as well as,


кредитлаш ҳажмини күпайтириш, бунинг учун халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни кенгайтириб, хорижий инвестициялар ҳажмини ошириш каби масалалар соҳа олдидағи устувор вазифалар сифатида белгиланди.

ТИФ Миллий банки ушбу мақсадларга қамарбаста бўлиб, жорий йилда ҳам фаолиятини молиявий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш, юртимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётини фаровонлаштиришга муносиб ҳисса қўшиб, ўз бизнесини бундан-да ривожлантириш, хусусан, жўкрофик жиҳатдан аҳолига яқинроқ бўлиш, мижозларнинг молиявий хизмат турлари юзасидан манфаатдорлигини чуқур ўрганиб, уларни янги хизматлар билан сийлаш, бунда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, шунингдек, тизимда таваккалчиликларни бошқариш ва хавфсизликни таъминлаш бўйича синалган, пухта услублардан фойдаланишга қаратган.

implementation of solid and proven methods for risk management and provision of security in the system.

Sincerely yours,

**Chairman**



**S. Kholmuradov**

**Ҳурмат билан,**

**Бошқарув Раиси**

**С. Холмурадов**





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ  
МИЛЛИЙ БАНКИ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ  
2016 ЙИЛГИ ЯКУNLARI**

**THE ANNUAL RESULTS  
OF ECONOMIC DEVELOPMENT  
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN IN 2016**

Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини ҳар томонлама таҳлил қилишда Биринчи Президентимиз Ислом Каримов бошчилигига ишлаб чиқилган тараққиётнинг «ўзбек модели» ҳамда мамлакатни ўрта муддатли истиқболда янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва модернизация қилиш Дастури доирасида амалга оширилган ишларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур ҳужжатлар асосида амалга оширилган ишлар натижасида 2016 йилда иқтисодий ўсишнинг барқарор ва юқори суръатларини сақлаб қолиш ва макроиқтисодий мувозанатни, аҳоли ҳаёт даражаси ва сифати ошишини таъминлашга эришилди.

Чунончи, 2016 йил якунлари бўйича ялпи ички маҳсулот 7,8 фоизга ўсади. Саноат маҳсулоти ҳажмлари – 6,6 фоизга, қурилиш-пурдат ишлари – 12,5 фоизга, чакана савдо айланмаси – 14,4 фоизга, хизматлар – 12,5 фоизга ўсади. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси таъминланди. Инфляция даражаси прогноз параметларидан ошмади ва 5,7 фоизни ташкил этди.

Иқтисодиётга 16,6 миллиард АҚШ доллари миқдорида ёки 2015 йилга нисбатан 9,6 фоизга кўп инвестициялар йўналтирилди. Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 11,3 фоизга ўсади ва 3,7 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетди. Умумий қиймати 5,2 миллиард АҚШ доллар бўлган 164 та иирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш якунланди. Шу жумладан, «ЖМ Ўзбекистон» акциядорлик жамиятида «T-250» моделдаги енгил автомобилларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, Жиззах вилоятида цемент заводи кенгайтирилди, «Индорама Қўқон текстил» хорижий корхонаси ва «Фантекс» МЧЖда йигирув ишларини ташкил этилди, Толимаржон иссиқлик энергия станциясида куввати 900 МВт бўлган буғаз қурилмалари ҳамда Ангрен иссиқлик энергия станциясида куввати 150 МВт бўлган юқори кулли кўмирни ёқувчи энергия блоки ишга туширилди.

Фарғона водийси вилоятларини мамлакатнинг бошқа ҳудудлари билан боғлайдиган, Қамчик тоғли довони орқали ўтувчи 19 километрлик ноёб туннелга эга бўлган электрлаштирилган янги

While deeply analyzing the results of socio-economic development of our country in 2016, it is important to pay attention to the "Uzbek model" of development created under the lead of our First President Islam Karimov and to steps taken under the Program of further medium term reforming, restructuring and modernizing the country.

As a result of the actions taken in accordance with these documents, it was possible to keep the high and sustainable rates of economic growth, macroeconomic balance, high quality and standards of human life.

In 2016, Gross domestic product grew by 7.8 percent, industry - by 6.6 percent, volume of construction works - by 12.5 percent, retail trade - by 14.4 percent, services - 12.5 percent. The state budget was executed with a surplus balance of 0.1 percent of GDP. External trade balance was positive. The inflation rate did not exceed the forecast parameters and amounted to 5.7.

Over 16.6 billion US dollars, which is 9.6% more than in 2015, were invested into the economy. The volume of foreign investments and loans increased by 11.3% and exceeded 3.7 billion US dollars. The realization of 164 large investment projects with the total cost of 5.2 billion US dollars was completed, including production of new T-250 car model at JSC GM Uzbekistan, enhancement of the cement plant in Djizak region, foreign company "Indorama Kokand Textile" and "Fantex" LLC, construction of two steam-gas installations with a total capacity of 900 MWt at the Talimarjan power plant and energy block of burning high-ash coal with the capacity of 150MWt at the Angren power plant.

A new Angren-Pap electrified railway line was constructed with a unique 19 km long tunnel through Qamchiq mountain pass, which connects Fergana valley regions with other regions of the country through a reliable transport link. Afrosiyob high-speed passenger trains started to travel from Tashkent to Bukhara.

291.5 km long railway path from Samarkand to Bukhara was electrified. Aviation park received two modern «Boeing 787-800 Dreamliner» planes.

In accordance with the Program on "Individual

Ангрен – Поптемир йўллинияси қурилди. Тошкент – Бухоро маршрути ва қарама-қарши йўналиш бўйича юқори тезланишли «Афросиёб» йўловчи ташувчи электропоездлар ҳаракати ташкил этилди. 291,5 км узунликдаги Самарканд-Бухоро темирйўл қисмини электрлаштириш лойиҳаси якунланди. Ҳаво кемалари парки 2 та замонавий «Boeing 787-800 Dreamliner» самолёт-лари билан тўлдирилди.

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши Дастурига асосан 13 435 та уй-жой ҳамда 159 та ижтимоий ва иқтисодий обьект инфратузилмаси барпоэтилди.

Умуман олганда, 2016 йилда республикада 12 413,5 минг квадрат метр, жумладан, қишлоқ жойларда 9 000,6 минг квадрат метр уй-жойлар, 2 448,1 километр, хусусан, қишлоқ жойларда 1 972,4 км. суттаъминоти тармоқлари бунёдэтилди.

2015-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналар томонидан саноат маҳсулотларининг 80дан ортиқ янги тури ўзлаштирилди. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида қиймати 6 145,8 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, бу борада ўсиш 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баробарни, импорт ўрнини босиш самарадорлиги 2,1 миллиард АҚШ доллари ни ташкил қилди.

Шунингдек, маҳаллий хомашё ресурсларини босқичма-босқич чуқур қайта ишлаш ва тайёр истеъмол маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш тармоқлари эвазига саноат маҳсулотлари-нинг юқори ўсиш суръатлари кузатилди: тўқимачилик буюмлари, кийим ва чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш - 111,7 фоиз, озиқ-овқат маҳсулотлари - 110,8 фоиз, фармацевтика маҳсулот ва препаратлари - 123,9 фоиз, кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлари - 129,7 фоиз, бошқа норуда менерал маҳсулотлар - 113,8 фоиз.

Саноатни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳалар ҳамда 2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастурининг ҳаётга самарали татбиқ этилиши натижасида республика ЯИМга энергия сарфини 7,4 фоизга, йирик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлартан нархини эса ўтган йилга нисбатан ўртача 10,6 фоиз камайтиришга эришилди.

Қишлоқ хўжалигини модернизация ва диверсификациялаш бўйича амалга оширилаётган дастурий чора-тадбирлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳажмларини 6,6 фоизга, жумладан, мева-сабзавот –

“housing on standard projects in rural areas” 13 435 houses and 159 socio-economic object infrastructures were built.

In overall, in 2016 there were built houses in the area of 12 413.5 thousand square meters, including 9 000.6 square meters in rural areas, as well as, 2 448.1 km long water supply networks, including 1 972.4 km in rural areas.

Between 2015-2019 more than 80 new types of industrial products have been mastered by the enterprises under the Program of localization of production of finished goods, components and materials. Overall, localized products worth over 6 145.8 billion soums have been produced since the beginning of the year, which is 1.5 times increase compared to 2015 and 2.1 billion effect of import substitution.

Moreover, the high growth rate of industrial production was recorded due to sectors producing goods based on the deep processing of local raw materials and increasing the scope of ready consumer products: textiles, apparel and leather products – 111.7%, food - 110.8%, pharmaceutical products and medicines – 123.9%, rubbers, chemical and plastic materials - 129.7% and other non-ore mineral products 113.8%.

As a result of implementation of projects on modernization, technical and technological renewal of the industry, as well as the program of measures to reduce energy consumption, implement energy saving technologies in industries and the social sector for 2015-2019, GDP energy consumption was reduced overall by 7.4%, the cost of production by large enterprises decreased by an average of 10.6%.

The currently implemented program of measures for modernizing and diversifying agriculture led to the increase of agricultural production volume by 6.6%, including fruits and vegetables -11.2%, potatoes – 9.7% and melons 10.5%.

The measures on comprehensive support and protection of private property and entrepreneurship contributed to the creation of around 32 thousand new small businesses in 2016, or 18% more than in 2015.

Commercial banks provided small business entities with 15.9 trillion soums of loans (1.3 times more compared to the last year) - 3.3 trillion soums of microcredits, and \$206.7 million of credit lines of international financial institutions. In 2016, the share of small businesses in GDP amounted to 56.9% and industry – 45 %.

In order to preserve the positions of domestic

11,2 фоизга, картошка – 9,7 фоизга, сабзавот маҳсулотлари етишириш 10,4 фоизга ўсишини таъминлади.

Хусусий мулк ва тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши 2016 йилда 32 мингтага яқин ёки 2015 йилганисбатан 18 фоизга кўп кичик бизнес субъектлари ташкил қилинишига туртки бўлди. Уларга тижорат банклари томонидан 2015 йилга нисбатан 1,3 баробар га кўп, яъни, 15,9 триллион сўмлик кредитлар ажратилди, жумладан, қиймати 3,3 триллион сўмлик микрокредит хизматлари кўрсатилиб, ҳалқаро молия институтларининг 206,7 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит линиялари жалб қилинди.

Кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги ҳиссаси 56,9 фоизгача, саноатда эса 45 фоизгача ошди.

Ҳисобот даврида юртимиз экспортчиларининг ташқи бозордаги ўрнини сақлаб, мамлакатимизнинг ушбу соҳадаги салоҳиятини кўчайтириш мақсадида хорижга маҳсулот етказиб бериш ҳажмини кўпайтириш, экспорт қилинадиган маҳсулотлар тури ва географиясини диверсификация қилиш ҳамда экспорт фаолиятига янги корхоналарни жалб этиш ишлари давом эттирилди. Пировардида, йил давомида яна 877 корхона экспорт фаолиятига жалб этилди, маҳаллий маҳсулотларни четга етказиш нуқтаси 60 та янги бозорга кўпайди. Хусусан, Бирлашган Араб Амирликлари, Ливан, Иордания, Ироқ, Гана, Сенегал, Кот-д`Ивуар, Сомали, Нигерияга енгил автомобиллар, Швеция, Руминия, Болгария, Туркия, Индонезия, Молдовия ва Озарбайжонга минерал ўғитлар, Беларус, Озарбайжонга спорт пойабзаллари, Польша ва Жанубий Кореяга чарм буюмлар ва бошқа маҳсулотлар экспорт қилинди.

Мана шундай ижобий таркибий ўзгартериш-лар ва иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатлари туфайли аҳолининг реал даромадлари 11 фоизга ошди. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи 15 фоизга, пенсия ва ижтимоий нафақалар – 12,1 фоизга, аҳоли жон бошига реал даромадлар – 11 фоизга ўсди, 726 минг нафарга яқин аҳолининг, шу жумладан, 438,5 минг коллеж битирувчисининг бандлиги таъминланди.

«Софлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида она ва боланинг саломатлигини муҳофаза қилишни кучайтириш, соғлом ва ҳар томонлама ривожланган авлодни шакллантириш бўйича кенг чора-тадбирлар комплекси амалга оширилиб, уларни молиялаштиришга барча манбалар ҳисобидан 8 триллион сўм ва 212 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ йўналтирилди.

exporters on foreign markets, as well as, to strengthen the export potential of the country, continuous measures were implemented to increase the volume of deliveries to foreign markets, diversify the range and geography of exports and attract enterprises into export activities. 877 new businesses were involved in the export business in the last year. In addition, 60 new markets were opened for the export of domestic products. In particular, vehicles were exported to the United Arab Emirates, Lebanon, Jordan, Iraq, Ghana, Senegal, Ivory Coast, Somalia, Nigeria, mineral fertilizers to Sweden, Romania, Bulgaria, Turkey, sports shoes to Belarus, Azerbaijan and leather products to Poland, South Korea, etc.

Thanks to the positive structural transformations and high rates of economic growth real income of population increased by 11% compared to 2015. The salaries of workers of the budget organizations were raised by 15%, pensions and social benefits – 12.1%. Around 726 thousand people were newly employed, including 438.5 thousand graduates from educational institutions.

Within the framework of the State program "Year of healthy mother and child" a wide complex of measures on strengthening healthcare of mothers and children, formation of healthy and harmonically developed generation was implemented, for funding of which over 8 trillion soums and 212 million US dollars were directed.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ТАШКИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ  
МИЛЛИЙ БАНКИ



## **2016 ЙИЛДАГИ БАНК ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЯКУНЛАРИ**

**MAJOR PERFORMANCE RESULTS  
OF BANK'S OPERATION IN 2016**

Моҳиятан, банклар мамлакат иқтисодий соҳаларини ташкил этиш, уларнинг мустақиллигини таъминлашда иштирок этувчи тизимлардан бири саналади. Бироқ, Ўзбекистонда ҳукумат раҳбарияти раҳнамолигида банклар фаолияти мукаммал тарзда юртимизнинг нафақат иқтисодий, балки ижтимоий жабҳаларида фаол қатнашмоқда.

Мустақиллик йилларида бошланган бундай саъй-ҳаракатлар бугунги кунга келиб яқъол кўзга ташлана бошлади. Ҳозирда ҳар бир корхона ва тадбиркордан тортиб, оддий фуқарогача ўз фаолияти ҳамда ҳаёти билан боғлиқ барча масалаларда банк кўмагига таянмоқда.

Таъкидлаш жоиз, банк тизимидағи ислоҳотларга соҳага доир меъёрий ҳужжатлар билан бирга ҳар бир йилга берилаётган ном ва унинг асносида ишлаб чиқилаётган дастурлар ҳуқуқий асос – дастуриламал бўлмоқда. Хусусан, ўтган “Соғлом она ва бола йили” да она ва бола саломатлигини таъминлаш, юртимиз равнақи, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар банклар диққат марказида бўлди.

Шунингдек, миллий иқтисодиётни ислоҳ қилишда муҳим аҳамият касб этувчи ишбилар-монлик ва инвестиция муҳитини яратиш, инвестициялар, жумладан, тӯғридан-тӯғри хорижий инвестициялар оқимини ошириш масалалари тижорат банклари фаолиятида устувор вазифа бўлиб қолмоқда. Зеро, молиявий ресурсларнинг мустаҳкамлиги банклар олдига қўйилган масалалар – амалдаги ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ҳамда янги қувватларни ишга тушириш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш имконини кучайтиromoқда. Натижада, республика-мизда юқори технологик корхоналарни ташкил қилиш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни фаол ўзлаштириш, экспорт номенклатурасини кўпайтириш, жаҳон бозорига фақат хом-ашё ресурсларигина эмас, балки тайёр маҳсулотни етказиб бериш ҳажмлари ортмоқда. Шу билан бирга, аҳоли бандлигини таъминлашдек муҳим масала ҳам ҳал этилмоқда.

ТИФ Миллий банки мана шундай жараёнларда

In essence, banks are considered as one of the systems of creation economic spheres of the country and ensuring their independence. However, in Uzbekistan, under the patronage of the government, banks serve not only for economic needs of the country, but also they actively participate in the social projects.

These measures initiated during the independence period have started to revealed these days. Nowadays, from each firm and entrepreneur including citizens, rely on the banks' help when dealing with issues related to their lives.

It should be noted that together with normative documents in the banking sphere, social priorities assigned to each year by the government followed by relevant action plans serve as the legal base-guidance for reforms in the banking system. In particular, during the last year declared "Year Healthy Mother and Child", banks paid special attention to the socio-economic projects aimed at promoting mother and child health, as well as, increasing prosperity of the country and people

Moreover, the priority tasks in the activity of the commercial banks remain the creation of investment and entrepreneurship environment, which plays a crucial role in reforming economy, increasing the inflow of investment, in particular, foreign direct investment. The strengthening of sustainability of financial resources adds to the increasing opportunities for financing projects related to the tasks to be accomplished by banks – modernization of current production capabilities, technical and technological refurbishment of the operating productions and introduction of new capacities. As a result, high technology productions were created in the Republic, manufacturing of output competitive in the external and internal markets are actively mastered. Progressive shifts took place not only in the structure of the economy and production but also in the export nomenclature. First and foremost, there grow supplies of finished products but not raw materials into the world market. Along with this it resolves such an important issue as employment of the population.

The NBU is the leader in the Uzbekistan's banking system. According to the results of 2016,

етакчилик қиляпти. 2016 йил якунларига күра, Ўзбекистон банк тизими барча активларининг қарийб 25 фоизи ушбу Банк улушига түфри келди.

Банкнинг жамлама баланси миллий валютага нисбатан эквивалентда 20,7 трлн. сўмни ташкил қилди. 2012-2016 йилларда 11,2 трлн. сўмга ёки 2,2 бараварга кўпайди, 2016 йилда ўсиш 4,6 трлн.


the Bank's share comprises about 25% of all assets of banks in our country.

The Bank's consolidated balance in terms of the equivalent of the national currency soum (net) made up 20.7 trillion soums. During the period from 2012 to 2016 it increased by 11.2 trillion soums or 2.2 times. In 2016, its growth equaled 4.6 trillion soums or 29 percent.

**Банк жамлама балансининг ўзгариши**  
**Dynamics of the Consolidated Balance of the Bank**



**Банк капиталининг ўзгариши**  
**Dynamics of the Capital of the Bank**



сүмни ёки 29 фоизни ташкил қилди.

Банк капитали миллий валюта сүмга нисбатан эквивалентда (субординацияланган облигациялар ва бошқа субординацияланган қарзларни ҳисобга олганда) 2012 йилдан 2016 йилгача бўлган даврда 2,6 бараварга кўпайди ва 2,8 трлн. сўмни ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 26 октябрдаги "Банкларни капиталлаштиришни янада ошириш ва уларнинг инвестиция фаоллигини кучайтириш бўйича қўшимча чоратадбиrlар тўғрисида"ги 2420-сонли Қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 18 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Уставига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги 367-сонли Қарорига мувофиқ, Банкнинг устав капитали 75,0 млрд. сўмга, шу жумладан 2015 йилда 35 млрд. сўмга ва 2016 йилда 40 млрд. сўмга кўпайди.

2016 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра, Банкнинг устав капитали 79 млрд. сўм ва 400 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

2016 йил якунларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг янги Тартиблари, Базель III халқаро стандартларида кўзда тутилган талабларнинг босқичма-босқич жорий қилининшини ҳисобга олган ҳолда капитал етарлилиги кўрсаткичи 19,3 фоизни ташкил қилди; 1-даражали капитал етарлилиги кўрсаткичи 14,5 фоизни; левераж 7,0 фоизни; жорий ликвидлик кўрсаткичи 109,1 фоизни ва коэффициент даражаси 208,6 фоизни ташкил қилди. Марказий банк томонидан кўйилган минимал меъёрий талаблар эса, мос равиша 11,5%, 8,5%, 6%, 30%, 80%.

Капиталлашувнинг юқори даражаси туфайли Банк мижозлар базасини кенгайтириш учун катта заҳира сақлаш имкониятига эга. Ликвидлилик заҳираси ички ва ташқи молия бозорларида тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда амалга ошириш, Банк ва мижозларнинг молия/хўжалик фаолиятини ривожлантириш ҳам ички, ҳам ташқи молия бозорларида керакли тўловларни нафақат ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда амалга ошириш, балки молия-хўжалик фаолиятини ривожлантиришда унинг мижозлари эҳтиёжларини қаноатлантириш имкониятини беради.

2016 йил якунлари бўйича мижозлар депозитлари миқдори ўтган йилга нисбатан 26 фоизга юқори. Ўзмиллийбанк мижозлар маблағларини жалб қилиш учун аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларига турли хилдаги муддатли ва жамғарма омонатларини таклиф қилади.

2016 йил якунларига мувофиқ, ТИФ Миллий

During the period from 2012 to 2016, the Bank's capital in terms of the national currency soum (considering the subordinated bonds and other subordinated debts) increased by 2.6 times and totaled 2.8 trillion soums.

Following the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated 26 October 2015 No PP-2420 "On Additional Measures of Further Growth of Capitalization of the Banks and Enhancement of Their Investment Assets", Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan No 367 dated 18 December 2015 "On the Introduction of Changes in the Articles of Agreement of the National Bank of Foreign Economic Activity of the Republic of Uzbekistan", the authorized capital of the Bank increased by 75.0 billion soums, of which in 2015 - by 35 billion soums, in 2016 - by 40 billion soums.

As of 31 December 2016, the Bank's authorized capital equals 79 billion soums and USD 400 million.


According to the results of 2016 and taking into account the new provisions of the Central Bank of the Republic of Uzbekistan, step-by-step introduction of the requirements envisaged by the international standards of Basel III, capital adequacy ratio equaled 19.3%; Tier I capital adequacy made up 14.5%; leverage - 7.0%; current liquidity ratio - 109.1% and level of the coefficient 208.6%. The corresponding minimum regulatory requirements of the Central Bank of the Republic of Uzbekistan are 11.5%, 8.5%, 6%, 30% and 80% respectively.

Thanks to a high capitalization ratio, the Bank has capacity to keep significant reserves when broadening the clientele base. Liquidity reserves permit not only timely and completely render necessary payments both in the internal and external financial markets, but also satisfy needs of the Bank and its clients while developing the financial and economic activities.

In 2016, the total of deposits attracted to the Bank increased 26 percent year on year basis. In order to attract funds, the NBU offers various types of time and saving deposits to people and companies.

Following the results of 2016 the Bank received profit, which is 46% greater than in 2015. Assets and capital efficiency ratios increased by 0.65% and 6.2% respectively.

Traditionally, efficiency indicators are not high as the Bank implements directed lending on privileged terms that assist the development of



### Марказий банк томонидан 2016 йилда ўрнатилган алоҳида меъёrlарга риоя қилиниши Compliance with the Some Regulatory Norms Set up by the Central Bank of the Republic of Uzbekistan in 2016

банки ўтган йилга нисбатан 46 фоизга кўп фойда олди. Активлар ва капитал рентабеллиги кўрсаткичлари 0,65 ва 6,2 фоизга ошди.

Рентабеллик кўрсаткичлари одатда юқори эмас, чунки Банк иқтисодиётнинг асосий соҳалари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлан-тиришга ҳамда ижтимоий дастурларни ҳал қилишга кўмаклашувчи имтиёзли шартларда директив кредитлашни катта ҳажмларда амалга ошироқда.

#### Активлар ва пассивларни бошқариш

Банк актив ва пассивлар портфелига бир бутун сифатида қарайди.

Актив ва пассивларни бошқаришнинг асосий вазифаси Банкнинг жорий ва стратегик мақсадларини активлар ва пассивлар структураси ва ташки мухитга қараб ҳосил бўладиган хатарларни бошқариш ва назорат қилиш усуллари ёрдамида бажарилишини таъминлашдан иборат.

Банк юритаётган активлар ва пассивларни бошқариш сиёсатининг бош мақсади барқарор ва самарали молиявий натижага эришиш, капиталлашув даражасини ошириш, пул оқимларини қоплаш учун ликвидликнинг зарур даражасини сақлаб туриш, ҳар бир мижознинг юқори сифатли ва ишончли банк хизматларига бўлган эҳтиёжини қондириш; омонатларни жамғариш ва иқтисодиётга инвестициялаш, таваккалчиликни йўл қўйиш мумкин бўлган даражадан оширгмаган

basic branches of the economy, small business and private entrepreneurship, as well as implementation of social programs and so on.

#### Asset and Liability Management

The Bank takes the holistic approach to the management of assets and liabilities portfolio.

The main task of assets and liabilities management department is ensuring fulfillment of the current and strategic goals of the Bank with the help of the methods, types of management and supervision of risks generated by the external environment and assets and liabilities structure.

The principal aim of the asset and liability management policy implemented by the Bank is: achievement of the stable and effective financial result, growth of capitalization, maintenance of the necessary liquidity level to cover cash flows, ensure the needs of any client in high quality banking services and confidence; saving of the deposits and investment in the economy, accumulation and optimization of revenues from placement of funds on terms of admissible risk level, achievement of the balanced structure of assets and liabilities of the Bank by maturities.

**The Bank achieves its goals through the activities below:**

- Capital adequacy and liquidity controls;
- Increasing capital base in line with the increases in active operations

холда маблағлар жойлаштирилишидан олиандыган даромадларни күпайтириш ва мақбуллаштириш, Банк активлари ва пассивларининг тузилмасининг муддатлар бўйича мувозанатда бўлишига эришишдан иборат.

#### **Банк ўз олдига қўйган мақсадларига қўйидагилар ҳисобидан эришади:**

- капитал етарлилиги ва ликвидликни назорат қилиш;
- капитал базасини актив операциялар ўсишига монанд тарзда ўстириб бориш;
- ликвидлик ҳолатларини ривожлантиришнинг турли сценарийларини моделлаштирган ҳолда уларни стресс тестдан ўтказиши;
- баланснинг янада ўсишини таъминлаш;
- эҳтимолий таваккалчилик даражасини чеклаган ҳолда максимал даромад олиш мақсадида баланснинг энг мақбул тузилишини шакллантириш;
- 2016 йил якунларига кўра 2 млн. кишидан ортиқ мижозларни ташкил қилган мижозлар базасини янги корпоратив ва чакана мижозларни жалб қилиш ҳисобига кенгайтириш;
- мижозлар манфаатларини ҳимоя қилиш;
- мижозлар билан ишлаш мафкурасини стандарт технологияларни ҳар бир мижозга якка тартибда ёndoшув билан уйғулаштирган ҳолда такомиллаштириш;
- операцияларнинг рентабеллиги ҳамда бозор шароитига берилган баҳога асосланган ҳолда ягона фоиз ва тариф сиёсатини ҳаётга татбиқ этиш, бунда стратегик жиҳатдан муҳим мижозларга якка тартибдаги шартлар ўрнатилишини мустасно қилмаслиқ;
- мижозлар ишончи, хизмат кўрсатиш тарихи, анъаналари ва тажрибаси каби рақобатустунликларидан самарали фойдаланиш;
- ресурсларни тезкор қайта тақсимлаш ҳамда кўп филиалли мижозларга комплекс хизматлар кўрсатиш имконияти ва бошқалар.

#### **2016 йил натижалари бўйича Банкнинг активлари тузилиши (нетто) қўйидаги жадвалда фоиз ҳисобида кўрсатилган:**

2017 йил 1 январь ҳолатига кўра, Банк активлари (нетто) 20,7 трлн. сўмниташкил этди.

Активлар тузилишида кредит операцияларининг улуши катта салмоқقا эга бўлиб, Банк барча активларининг 62 фоизини ташкил қиласди. Банк аввало иқтисодиётнинг базавий тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнларини, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ривожланишини, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаси

- Application of stress-testing of the liquidity positions with modeling different scripts of their development;

- Ensuring further growth of balance;

- Formation of the optimum balance structure aiming to generate maximum profitability with the limitation of the possible risk level;

- Widening of the clientele base, which amounted to 2 million people in 2016, through attracting new corporate and retail clients;

- Protection of the interests of the clients;

- Improvement of the ideology of working with a client based on the combination of standard technologies and individual approach to any client;

- Enforcement of single percent and tariff policy based on the efficiency of operations and assessment of market conditions without exclusion of tailoring individual conditions for strategically important clients;

- Effective utilization of the competitive privileges like client's confidence, history, traditions and servicing experience;

- Opportunities of the operative redistribution of the resources and complex servicing of multiprofile clients and so on.

As of 01.01.2017, Bank's assets (net) comprised 20.7 trillion soums.


The significant weight of assets in the assets structure falls on the credit operations of 62% of the entire net assets of the Bank. The Bank provides the all-round credit support of the processes of modernization, technical and technological refurbishment of basic branches of the economy in particular; encourages development of small business and private entrepreneurship, branches of servicing area and cottage work, as well as provides credit support of social and economic development programs of regions.

The correspondence accounts, statutory reserves in the liabilities, funds on the accounts for unforeseen losses with the Central Bank of Uzbekistan comprise 12 percent of the total assets.

The assets in other banks comprise 17 percent. Placing deposits on both internal and external money markets are carried out in accordance with the risk limits set for the countries, banks and banking products.

Investments and securities comprise 2 percent of the total assets.

Fixed assets and other property make



**Жадвал: Банк активларининг тузилиши (%)**  
**Asset Structure of the Bank in 2016 (%)**

тармоқларини ривожлантиришни ҳар томонлама кредитлар билан таъминлашни, шунингдек минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини кредитлар билан қўллаб-куvvатланишини таъминламоқда.

Марказий банкдаги вакиллик, пассивлар бўйича мажбурий заҳиралар фондида, активлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар бўйича ҳисоб-варакларида қолдиқлар мавжуд бўлиб, уларнинггулуши барча активларнинг 12 фоизини ташкил этди.

Бошқа банклардаги маблағлар 17 фоизни ташкил қилди. Ҳам ички, ҳам халқаро пул бозорларида депозитларни жойлаштириш ишлари мамлакатлар, банклар ҳамда банк маҳсулотлари бўйича белгиланган таваккалчилик лимитлари доирасида олиб борилмоқда.

Инвестициялар ва қимматли қофозларга қўйилмалар 2 фоизни ташкил этди.

Активларнинг умумий тузилишида Банкнинг асосий воситалари ва бошқа молмулки улуши 1 фоизни ташкил қилди.

Банк пассивларининг 91 фоизи мажбуриятларга ва 9 фоизи капиталга тўғри келади.

**2016 ЙИЛ НАТИЖАЛАРИ КЎРА БАНК ПАССИВЛАРИ ТУЗИЛИШИ** қўйидаги жадвалда фоиз ҳисобида кўрсатилган:

Хорижий банклар томонидан олинган кредитлар ҳамма пассивларнинг 25 фоизини, барча қарзларнинг 24 фоизини ташкил этади. Кейинчалик кредитлар сифатида қайта молиялаш учун

- Нақд пул 1%  
Cash 1%
- ЎзР Марказий банкидаги маблағлар 12%  
Assets with the CB RUz 12%
- Бошқа банклардаги маблағлар 17 %  
Assets with other banks 17%
- Кредитлар 62 %  
Credits 62%
- Инвестициялар ва қимматли қофозлар 2%  
Investments and securities 2%
- Асосий воситалар ва бошқа мол-мулк 1%  
Fixed assets and other property 1%
- башқалар 5%  
Other 5%

1 percent.

The total of liabilities comprises 91 percent and capital share is 9 percent.

In the course of over 20 years the Bank holds the leading positions in issuing, putting into circulation and servicing of the plastic cards. Thus, according to the reporting data by 1 January 2017, the number of cards released into circulation made up about 2.9 million pieces, of which cards of new "on-line" system make up over 1.4 million, international Visa cards – over 138 thousand, the number of served enterprises whose employees get salary by means

**Жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги депозитлари ҳажми динамика (млрд. сўм)**  
**The dynamics of deposits of individuals in the national currency (UZS, Billion)**



**Жисмоний шахсларнинг хорижий валютадаги депозитлари ҳажми динамика (млн. АҚШ доллари эквивалентида)**  
**The Dynamics of Deposits of Individuals in the Foreign Currency (USD, Million)**



аҳолининг Банкка жалб этилаётган бўш пул маблағлари ҳажмларини янада кўпайтириш чакана хизматларни ривожлантириш соҳасидаги устувор йўналишдир.

### **Пластик карточкалар**

Банк 20 йилдан ортиқ вақт давомида пластик карточкаларни муомалага чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш масалаларида етакчилик мавқеини мустаҳкам ушлаб турибди. 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига Банк томонидан муомалага чиқарилган жами пластик карточкалар сони 2,9 млн. донани ташкил қилиб, шундан 1,4 миллиондан ортиғи "Он-лайн" тизимидағи пластик карточкалар ва 138 мингдан ортиғи халқаро Visa карталаридан иборат. Иш ҳақи лойиҳалари асосида пластик карточкалар орқали ойлик маошларини олаётган ишчиларга эга корхоналар сони – 14,2 мингтагая яқинни ташкил этади.

Банк томонидан ўрнатилган 22,2 мингтадан ортиқ тўлов терминаллари мижозларга хизмат кўрсатиб келмоқда. Шудавр мобайнида пластик карточкаларга 8,9 триллион сўмдан ортиқ маблағлар кирим қилинган.

Сўм пластик карточка ҳисобварақларидаги қолдиқлар ҳажми 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига 381,3 млрд. сўмни ва халқаро карталардаги қолдиқлар ҳажми 25 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Банк мижозлар учун пластик карточкаларни нафақат ҳисоб-китоб қилишда қулай восита сифатида, балки уни қўшимча хизмат ва сервислардан фойдаланиш имконини берувчи воситага айлантиришга интилмоқда. Айни вақтда мижозлар томонидан уларнинг ҳисобварақлари, шу жумладан пластик карточка ҳисобварақлари бўйича ўтказилган амалиётлар тўғрисидаги маълумотларни SMS-хабарлар, e-mail хабарлар кўринишида олиш имконияти мавжуд. Шу билан бирга шахсий WEB- ва IVR-кабинетлар ҳам мижозлар учун қўшимча қулайлик яратмоқда. Мазкур хизмат турларидан фойдаланувчилар сони 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига 466,6 мингтадан ортиқни ташкилэтди.

Бундан ташқари, банк мижозлари CLICK, «PayMe», «MBank» ва «U-Pay» тўлов тизимидағи фойдаланган ҳолда ҳам "он-лайн" режимида мобил операторлар, шаҳар ва халқаро телефон алоқа хизматлари учун ҳамда коммунал хизматларига тўловларни ўтказиш имкониятига эгадирлар.

of plastic cards exceeds 14.2 thousand.

More than 22.200 payment terminals, which have been installed by the Bank, serve customers. During the reporting period, more than 8.9 trillion Soums were deposited into plastic cards.

The amount of balances on the accounts opened against the Soums plastic cards by 1 January 2017 was defined as 381.3 billion Soums, and against the international cards – about USD 25 million.

The Bank strives to turn plastic cards not only into the instrument convenient for clients' settlements but also permitting to receive additional services and serving. With this view there was commonly introduced the opportunity to inform clients about the operations on their accounts including card operations, mobile telephone's SMS-messages, e-mail warnings to the electronic mail addresses, as well as using Web- and IVR-cabinets. As of 1 January 2017, the number of users of these services made up about 466.6 thousand including the "on-line" cards holders.

Besides that, clients of the Bank can use the opportunities of the CLICK, "PayMe", "MBank" and "U-Pay" systems that permit the "on-line" payment of services of the operators of the mobile, local and world communications, as well as the utility services.

The above-enumerated opportunities are also provided with the use of the netting system of settlements of the Central Bank of the Republic of Uzbekistan - MUNIS.


The Bank became the first bank-acquire on providing trading and servicing enterprises, including craftsmen, with services on selling goods and services for VISA card holders by means of the Internet and received the respective license on rendering electronic commerce services in the international payments system.

With a view of growth of the security of settlements of our clients on the international VISA cards, the Bank releases into circulation chip/smart VISA cards that have been recognized as the most secure payment instrument. At the moment, the Bank issues international cards such as Visa Electron, Visa Classic, Visa Gold and Visa Platinum.

Aiming to widen the range of the offered retail services and with the consideration of the organizational work carried out so far, the Bank received in 2016 the status of the principal

**Пул жўнатмалари халқаро тизимлари бўйича бажарилган операциялар ҳажми динамикаси  
(млн. АҚШ доллари)**

**Dynamics of transactions performed on international money transfer systems  
(USD, Million):**



Юқорида санаб ўтилган имкониятлар Марказий банкнинг ҳисоб-китоб неттинг тизими - "МУНИС" орқали ҳам тақдим этилмоқда.

Банк Ўзбекистон ҳудудидаги савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарига, шунингдек ҳунармандларга Интернет орқали товар ва хизматларни реализация қилиш имконини берувчи биринчи эквайер банкка айланди ҳамда ҳозирда VISA халқаро тўлов тизими карталари эгалари учун электрон тижорат хизматларини тақдим этмоқда.

Visa халқаро карталар бўйича мижозларимизнинг ҳисоб-китоблари хавфсизлигини ошириш мақсадида Банк тўловларнинг энг хавфсиз воситаси сифатида тан олинган VISA чипли карталарини муомалага чиқармоқда. Ҳозирги пайтда Банк томонидан мижозларга Visa Electron, Visa Classic, Visa Gold ва Visa Platinum каби халқаро турдаги пластик карточкалар таклиф этилмоқда.

Чакана мижозларга кўрсатилаётган хизматлар доирасини кенгайтириш ҳамда бу борада амалга оширилган саъй-ҳаракатлар натижасида Банк 2016 йилда MasterCard халқаро тўлов тизимининг принципиал аъзолигига қабул қилинди. Бу мақом Банкка ушбу тўлов тизимининг карточкаларини эмиссия қилиш ва тизим инфратузилмаси доирасида эквайер хизматларини кўрсатиш имконинияратди.


Айнан шундай ҳаракатлар UnionPay International тўлов тизимининг аъзолик мақомини олиш юзасидан ҳам олиб борилмоқда.

member of the international payment system MasterCard. This status enables the Bank provide acquire service for the cards of the above-mentioned system in its infrastructure, as well as their issue in circulation.

At the moment, similar work is carried out on Bank's accession into the Union Pay International payment system.

Prior to the 15th-anniversary summit of the Shanghai Cooperation Organization (SCO) summit in Tashkent in 2016, the project on servicing (acquiring) international plastic cards UnionPay International had been implemented in Uzbekistan. According to this project, UnionPay International card holders are serviced at both UZS and foreign currency terminals and all terminals installed in the territory of Uzbekistan accept this type of plastic cards.

Муомаладаги карточкаларнинг ўсиш динамикаси  
Growth dynamics of plastic card circulation




Савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари ва банк муассаларида ўрнатилган терминаллар сони  
Number of terminals installed in sales and service enterprises and bank offices



Ўзмиллийбанк инфратузилмасида сўм пластик карточкаларига хизмат кўрсатиш ҳажми (млрд.сўмда)  
Soum plastic cards service volume within the NBU infrastructure (UZS, Billion)



**Сўм пластик карточка ҳисобварақларидағи қолдиқлар ҳажми (млрд. сўмда)**  
**Dynamics of the Amount of Balances on Card Accounts (Billion Soums)**



2016 йилда Тошкент шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг 15 йиллик юбилей саммити олдидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида UnionPay International халқаро пластик карточкалари асосида хизмат кўрсатиш (эквайринг) бўйича лойиҳа татбиқ этилди. Мазкур лойиҳага асосан UnionPay International мақоми остидаги карта эгаларига ҳам хорижий валютадаги, ҳам сўмдаги терминаллар орқали хизмат кўрсатилиши йўлга қўйилиб, Ўзбекистон ҳудудида ўрнатилган барча терминаллар орқали ушбу турдаги пластик карточкаларни қабул қилиш имконияти яратилди.





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ТАШКИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ  
МИЛЛИЙ БАНКИ



**ИНВЕСТИЦИЯ БАНКИ**

**INVESTMENT BANK**

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Республикадаги йирик инвестиция банки ҳисобланиб, Банкнинг кўп тармоқли ва замонавий инфраструктураси Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бўлган молия ва ишлаб чиқариш секторларини ривожланишига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Банк ўзининг капитали билан республиканинг стратегик аҳамиятга эга корхоналарининг акциядорлари ва қатнашчилари таркибиға кириш орқали иқтисодиётнинг турли тармоқларидағи корхоналарни модернизациялаш, технологик ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга қаратилган инвестиция жараёнларида иштирок этиб келмоқда.

Бугунги кунда аввал банкрот бўлган иқтисодий nochor корхоналар ўз фаолиятини қайта бошлишди, натижада, улар томонидан экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, шунингдек, мингдан ортиқ одамлар доимий даромад манбасига эга бўлди.

2017 йил 1 январь ҳолатига акциялар ва улушларни харид қилиш йўли билан корхоналар устав капиталига киритилган банк инвестицияси ҳажми 472,1 млрд. сўмни ташкил этди.

2017 йил 1 январь ҳолатига банк балансига қабул қилинган 68 та банкрот корхона фаолияти тикланиб, уларнинг барчаси янги инвесторларга 1,2 трлн. сўм эквиваленти қийматига сотилди. Шундан, тузилган шартномаларнинг шартларига мувофиқ инвесторлар томонидан 443,6 млрд. сўм эквиваленти миқдоридаги тўловлар тўлаб берилди. Жумладан, сотилган корхоналардан 17 таси бўйича жами 38,8 млрд. сўмлик тўловлар банк билан тўлиқ ҳисоб-китоб қилинди.

Хусусан, 2016 йил мобайнида банк томонидан 8 та корхона янги инвесторларга сотилиб, жами 113,1 млрд. сўмлик тўловлар ундирилди. Натижада, 2016 йилда 2015 йилга нисбатан 1,2 баробарга кўп тўловлар ундирилишига эришилди.

Шу билан биргаликда, Банкнинг ресурс базасини узоқ муддатли маблағлар билан янада кўпайтириш, республика фонд бозорини юридик шахслар учун қулай бўлган янги молия инструментлари чиқариш йўли билан ривожлантириш мақсадида, 2016 йилда 20,0 млрд. сўм миқдоридаги юридик шахсларга мўлжалланган депозит сертификатлари рўйхатдан

The National Bank for Foreign Economic Activity of the Republic of Uzbekistan is the largest investment bank in the country. Modern and ramified infrastructure of the Bank promotes development of the financial and industrial sectors that are the most important directions of deepening of the economic reforms in Uzbekistan.

By entering with its capital into the group of shareholders and participants of the strategically important enterprises of the Republic, the Bank participates in the investment processes of enterprises aimed at the different sectors of the economy, modernization, technical and technological refurbishment.

Nowadays earlier bankrupted insolvent enterprises have restarted their activities. As a result, their export-oriented and import-substitution products are manufactured and also thousands of people have permanent sources of income.

As of 1st January 2017 the investments of the Bank made by means of purchasing the shares and investing into their equity reached 472.1 billion soums.

Furthermore, as of 1st January 2017, the activity of 68 bankrupted enterprises was recovered and all of them were sold to new investors for 1.2 trillion soums. In accordance with the terms of the agreements made with investors, they have made a payment equivalent of 443.6 billion soums. In particular, the payment transfers of 17 enterprises sold to investors were completed to the amount of 38.8 billion soums.

During 2016, 8 enterprises were sold to new investors by the Bank, which received 113.1 billion soums from these operations. As a result, in 2016 the Bank managed to receive payments from investors 1.2 times higher than in 2015.

Along with this, with a view of increasing the long-term assets in the resource base of the Bank, further developing the national stock market by issuing new financial instruments for companies, in 2016 the Bank issued deposit certificates for companies to the amount of 20.0 billion soums. These certificates were registered accordingly and sold to investors.

At the moment 160.4 billion soums worth long

ўтказилди ва инвесторлар орасида тўлиқ жойлаштирилди.

Бугунги кунда Ўзмиллийбанкнинг 160,4 млрд. сўм микдоридаги узоқ муддатли қимматли қоғозлари муомалада бўлиб, ушбу қимматли қоғозларнинг 100 млрд. сўми узоқ муддатли корпоратив облигацияларни (субординар) ташкил этади.

term securities of the National Bank of Uzbekistan is at circulation. 100 billion soums of these securities are long-term corporate (subordinate) bonds.

**Қимматли қоғозлар портфели таркиби (01.01.2017 й. холатига)**  
**Structure of securities portfolio (01.01.2017)**





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ  
МИЛЛИЙ БАНКИ



## БАНК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ РИВОЖЛАНИШИ

DEVELOPMENT OF BANKING TECHNOLOGIES

Бугунги замонда кредит ташкилотларининг бизнесга ўз ёндашувларини ўзгаририши долзарблик касб этмоқда. Зеро, рақамли технологияларнинг шиддатли ривожланиши - ўзгаришлар вақти, ностандарт ечимлар, янги ғоялар ва ташаббуслар вақти келганидан далолатдир. Шу боис тижорат банклари самарали ва камҳаржли транзакцияларни амалга оширувчи IT-инфратузилмасини ривожлантириш, режалаштирилган бизнес ҳажмига мувофиқ рақобатбардош, мижозларга хизмат кўрсатишда юқори сифатни талаб қилувчи IT-тизимини яратиш йўлидан илдам бормоқда.

Жумладан, ТИФ Миллий банки томонидан ҳам IT-тизимини техник қўллаб-қувватлаш бўйича узлуксиз чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, ҳозирда Банк лойиҳалаштирилган, сифатли тузулмавий инфраструктурага эга бўлган ҳолда, ҳалқаро стандартларга мувофиқ янги ахборот технологияларни татбиқ этишини кўзда тутивчи ўз хизматларини тақдим этишдаги пешқадам мавқеини сақлаб келмоқда. Ахборот технологиялари департаменти томонидан жорий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва Банкнинг техник ва технологик инфратузилмасини келажақда такомиллаштириш ва ишонч даражасини ошириш бўйича янги лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда.

Шундай қилиб, Банкда нафақат мижозлар билан иш юритилмоқда, балки тизимнинг ўзида ҳам самарали ишни ташкил қиласидиган замонавий инновацион технологиялар ишлатилмоқда.

T24 - Автоматлаштирилган банк тизими муассаса бўлинмалари, молиявий ресурсларни керакли соҳаларга қаратиш орқали Банк имкониятларини тезкор бошқаришни кўзда тутади. Банк асосий тармоқларининг ишончлилиги кластер қарорлар асосида резервлаш ҳисобига эришилди. Буэса бир ёки бир неча серверлар ишдан чиқсан ҳолатида ҳам функционалник таъминлайди.

Шулар билан бир қаторда, жаҳон ахборот технологиялари ривожланиш тенденцияларини ҳисобга олиб, банк мутахассислари

Nowadays it has become a necessity for credit institutions to change their attitudes towards business. Indeed, the rapid development of digital technologies suggests that the time for change, non-standard solutions, new ideas and initiatives has come. For this reason, commercial banks have been steadily following the path of the development of IT infrastructure which allows the low cost and efficient banking transactions and the creation of competitive IT system matching the planned business volume and requiring high quality customer service.

In turn, the NBU for foreign economic activity has also been implementing continuous measures for technical support of its IT system. As a result, nowadays the Bank, while having specially designed, high quality organizational infrastructure, keeps its leading position in rendering banking services, which assume the implementation of the new information technologies to international standards.

Department of Information Technologies carries out support of current projects and works on the new projects aimed at supporting and enhancing the reliability level and further improvement of technical and technological infrastructure of the Bank.

Therefore, the Bank uses the modern IT instruments allowing to organize effective work with both clients of the Bank and within the Bank's structure.

T24 – automated banking system, which implies the rapid management of the Bank's capabilities through diverting financial resources of branches of the banking system to the appropriate fields. The reliability of the main channels of the Bank is achieved through reserving based on cluster decision making. This enables functionality even if one or more servers fail.

At the same time, considering the trends in the development of the information technologies in the world, specialists of the Bank are implementing new projects on the improvement of Bank's information systems.

Using HTML5 technologies the web site design of the Bank has been renewed and in order to allow

томонидан муассасада ахборот тизимини такомиллаштириш борасида янги лойиҳалар амалга оширилмоқда.

HTML5 технологияларидан фойдаланган ҳолда банк веб-сайтининг дизайнни янгиланди, мижозлар масофадан туриб ишлаши учун Android ва IOS операцион тизимларига мобил версия ва мобил илова ишлаб чиқилди.

Маълумотларни қайта ишлаш маркази асосий тугунини 8 террабайт фойдали ҳажмга эга IBM Flash-System V900 – юқори самарали маълумот сақлаш модули билан таъминлаш лойиҳаси амалга оширилди.

Банкнинг ахборот тизимидағи ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида Windows Server 2012 даражасигача бўлган домен инфратузилмаси ва MS Exchange 2016 даражасигача бўлган корпоратив почта тизимини ошириш ишларини бошлаб юборилган.

Мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва Банк ишининг ишонччилигини ошириш мақсадида Банк бўлим ва филиалларининг компьютер, сервер ва периферия техникаси парки янгиланди.

Локал ҳисобдаги тармоқлар ўзагини ҳосил қилувчи телекоммуникация тармоқлари мажмуасидан иборат ускуналарни алмаштириш бўйича босқима-босқич ишлар олиб борилмоқда.

Малакали мутахассислар жамоаси Банкнинг юқори даражадаги рақобатбардошлигини кафолатлайдиган ахборот тизими амал қилишини ва янги янада истиқболли ахборот технологияларини жорий этилишини таъминлайди.

customers to use the banking services on distance relevant Android and IOS operation systems based mobile applications have been produced.

A project has been implemented on providing the main hub of the data processing center with 8 terabyte capacity IBM FlashSystem V900-highly productive data storage module.

To increase the efficiency of activities related to the Bank's information system the works on raising the domain infrastructure to Windows Server 2012 level and the corporate mail system to MS Exchange 2016 level have been started.

In view of improving the quality of customer service and raising the reliability of Bank's activity, depot of computer, server and periphery technique of Bank's branches and affiliates has been updated.

In order to replace the devices which consist of a complex of telecommunication networks making the core of local level networks, step-by-step activities are being implemented.

The team of highly qualified specialists and professionals ensures the smooth work of the information systems of the Bank and introduction of new, most perspective information technologies that guarantee high competitive power of the Bank.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ  
МИЛЛИЙ БАНКИ



## БАНК ХОДИМЛАРИ

BANK'S PERSONNEL

Маълумки, Банк менежментида муҳим тузилмалардан бири сифатида ходимларни бошқариш қуий тизими қайдэтилади. Ходимлар билан ишлаш жараёнининг қай даражада йўлга қўйилганлиги, чуқур билимга асосланганлиги, професионаллиги ва масъулиятлилигининг талаб этилган вазифаларга мос келиши иш кучи ресурслари сифатига, уларнинг банк мақсадларига эришишида қўшган улушига ва бутун фаолиятининг сифатига боғлиқидир.

Касбга ҳар томонлама мукаммал тарзда тайёр бўлган, замонавий банк технологияларидан фойдаланиш салоҳиятига эга, ҳар доим ўз иш услубларини таомиллаштира оловчи мутахассислар самарали ва ишга лаёкатли меҳнат жамоасини тузишга асос яратади. Бу ходимлар сонини прогнозлаштириш ва режалаштиришда стратегик ёндашувни ишлаб чиқиш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг билим салоҳиятини ошириш, касбий табақалаштириш, мутахассислиги жиҳатидан мақсадлитаңлай олиш кабиларни талаб этади.

Ҳозирги вақтда Банқда кадрларни тайёрлаш стратегияси ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини янада ривожлантиришга қаратилган. Кадрлар малакасини ошириш тизими Банк томонидан оператив эҳтиёжлар ва стратегик манфаатлардан келиб чиқиб шакллантирилган. Бу борада Банк тизими учун кадрлар заҳирасини тайёрлаш масаласига катта эътибор қаратилган бўлиб, у 364 нафар истиқболли мутахассисни ўз ичига олади.

2017 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки фаолиятида 94 та таркибий бўлинма мавжуд бўлиб, улар қўйидагиларни ўз ичига олади:

- ТИФ Миллий банки Марказий оғиси;
- 13 та ҳудудий бўлинма;
- 1 та шаҳар бошқармаси;
- 79 та филиал.

2017 йилнинг 1 январь ҳолатига Банк тизимида 6 039 нафар ходим ишламоқда.

2016 йилда Банк мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида 1 017 минг нафар ходим қамраб олинди. Жумладан, Банк тизимида фаолият кўрсатувчи

The Personnel Department of the Bank plays a critical role in and is a vital component of the bank management system. The efficiency of the work with personnel depends on their professional knowledge, skills, competence, accountability, contribution to the attainment of the Bank's objectives and the quality of their performance.

The Bank demands the specialists that have professional skills, able to employ advanced bank technologies and constantly develop his/her performance. In order to form the collective that will be able to work in such environment, it is required to plan the number of employees and forecast it, grow their level of qualification and professional differentiation, develop the strategic approaches towards purposefully selecting the specialists.

At the present time, the employee training strategy of the Bank is aimed at further development of training and retraining system of the personnel. The system for improving the qualification of employees is being formed based on the operational needs and strategic interests of the Bank. In this regard, a great attention is paid to the personnel reserve system of the Bank, which contains 364 perspective specialists.

As of 1st January 2017, the National Bank for Foreign Economic Activity of the Republic of Uzbekistan has 94 structural divisions. These divisions are comprised of:

- The Central Office of the National Bank for Foreign Economic Activity of the Republic of Uzbekistan;
- 13 Territorial Divisions;
- 1 City Division;
- 79 Branches.

As of 1st January 2017, the Bank employs 6039 people.

During 2016, 1017 employees were trained with the purpose of preparing, retraining and improving the level of qualification of the specialists of the Bank. Particularly, 473 employees of the Bank were trained at the Center for Advanced Training for Bank's Specialists (CAT). The specialists of structural divisions of the Bank were trained to form the reserve of professionals for managerial positions. 14 specialists

473 нафар ходим Банк мутахассислари малакасини ошириш марказида таълим олди. Банк таркибий бўлинмаларининг мутахассислари жойларда раҳбарлик лавозимлари учун заҳирани шакллантириш мақсадида таълим олдилар. 14 нафар мутахассис хорижда банк тизими бўйича малака ошириш учун халқаро семинарда иштирок этди. Фарғона ва Тошкент вилоят бўлинмаларидан 2 нафар ходим Япониядаги Рицумейкан университетида мазкур давлатнинг JDS/JICE дастури доирасидаги гранти асосида "Иқтисодиёт" йўналиши бўйича 2 йиллик магистратурани муваффақиятламомлади. 2016 йилда Банкнинг минтақавий бўлинмаларидан яна 2 нафар ходим Рицумейкан ва Мейджи (Япония) университетларига магистратурага ўқишга қабул қилинди. Ҳозирда уларнинг билим олиши ва рейтинг баҳолари бўйича мониторинг ишлари олиб борилмоқда.

18 нафар ходим Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси (БМА)да "Банк иши", "Инвестицияларни бошқариш", "Банкда ҳисоб юритиш ва аудит" мутахассислиги бўйича магистратурани тамомлади.

Банк Бухоро бўлимининг бир нафар мутахассиси Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқарув академияси (ДБА)нинг 2-босқичида таҳсил олмоқда. Тошкентшаҳар Бош бошқармасининг бир нафар ходими Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги хузуридаги Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази (КБИТМ) магистратурасининг 2-босқичида таҳсил олмоқда. ДБА ва КБИТМ битирувчилари Банкнинг кадрлар заҳирасида турадилар, уларнинг аксарияти раҳбарлик лавозимларига тайинланган.

56 нафар раҳбар ходим ҳамда 449 нафар мутахассис Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳамасининг 2015 йил 30 сентябрдаги "Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги 2414-сонли Қарори ҳамда шу йил 27 октябрдаги "Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази фаолияти самарадорлигини таъминлашга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги 305-сонли қарор ижроси юзасидан қисқа муддатли таълим курсларида ўз малакаларини оширишга эришди.

Шунингдек, 252 нафар мутахассис Президентимизнинг 2015 йил 6 майдаги "Тижорат банклари нинг молиявий барқарорлигини ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2344-сонли Қарори

participated in the international workshops to be trained in the sphere of the banking system. 2 specialists of Fergana and Tashkent territorial divisions graduated from two years postgraduate program of Economics at Ritsumeikan University in Japan under the JDS/JICE grant provided by the Japanese government. Additionally, 2 specialists from territorial divisions of the Bank were also enrolled in the postgraduate programs of Ritsumeikan University and Meiji University. At the present time, their studies and rating are being thoroughly monitored.

18 specialists have graduated from Masters programs in such specializations as "Banking", "Investment Management", "Banking Accounting and Audit" at the Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan (BFA).

The specialist of the Bukhara branch is studying his 2nd year at the Academy of State Governance under the President of the Republic of Uzbekistan. Furthermore, the specialist of the Tashkent Head-Office is doing Master program in his 2nd year at the Scientific and Educational Center of Corporate Governance under the Ministry of Economy of the Republic of Uzbekistan (SECCG). The graduates of BFA and SECCG constitute the personnel reserve of the Bank, and many of them have been appointed to the managerial positions.

56 employees holding managerial positions and 449 specialists have attended short-term trainings by the Executive Decree N2414 of the Cabinet of the Ministers on "The Establishment of the Academic and Administrative Center of Corporate Governance", 30 September 2015, as well as, the Decree N305 on "Organizational Measures of Providing the Productivity to the Activity of the Corporate Governance Training Center", 27th of October.

Furthermore, according to the Decree of the President of Uzbekistan on "Measures to improve the financial stability of commercial banks and the development of their resource base" from the 6th May, 2015 and plan for 2016, 252 specialists of the Bank participated in the workshops organized on such topics as finance and credit analysis, collecting taxes by means of commercial banks, accounting and auditing in banks, international standards of banking, currency operations in banks by Management Development Institute of Singapore in Tashkent, Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan, Centre for

асосида 2016 йил учун белгиланган режага мувофиқ, Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Банк-молия академияси, Ўзбекистон халқаро молия-иқтисодиётни ривожлантириш маркази, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институти қошидаги Банк-молия ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш тармоқлараро институтида молия ва кредит таҳлили, тижорат банкларида солиқ тўловларини ундириш, банкларда бухгалтерия ва аудит, банк ишининг халқаро стандартлари, банкларда валюта операциялари каби мавзуларда ўқув семинарларига жалб қилиниб, маҳсус сертификатларга эга бўлдилар.

ЎЗР Президенти аппарати номенклатурасига кирувчи раҳбарлик лавозимида кадрлар заҳирасида турувчи 6 нафар ходим Банк-молия академиясида ойлик семинарда тестдан муваффақиятли ўтиб, маҳсус сертификатларни қўлга киритди. 19 нафар мутахассис Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Тошкент молия институтида магистратуранинг кундузги бўлимларида таҳсил олмоқда. 28 нафар мутахассис Марказий банкнинг "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш" мавзусида ташкил қилган семинарида иштирок этди. 5 нафар ходим Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетида ахборот хавфсизлиги, 6 нафар мутахассис эса, ахборот технологиялари бўйича маҳсус курсларда таҳсил олди.

ТИФ Миллий банки Бош оғисидаги бизнес-бўлимлар, "NBU Investment" ва "NBU Invest Group" шўъба корхоналари, шунингдек, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан 102 нафар мутахассис Германиянинг Дойче банки ташкилот-чилигига банк тажрибасида халқаро масалаларга бағишлиланган З қунлик семинарда иштирок этди.

21 нафар мутахассис эса, тибиёт ходимлари ва уларнинг фуқаролик мудофаасига бағишлиланган ўқув курсларида ўз малакасини оширди.

the Development of International Finance and Economics of Uzbekistan, Tashkent State Economic University, the Institute of Advanced Training and Retraining of the Financial and Banking Employees under the Tashkent Financial Institute. As the result of these workshops, all the participants obtained the certificates.

6 specialists that were included into the nomenclature of the President's Administration and also into the personnel reserve list for the managerial positions obtained special certificates as a result of participation in the monthly workshop at the Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan. 19 specialists are pursuing their full-time Master programs at the Tashkent State Economic University and Tashkent Financial Institute. In addition, 28 specialists participated in the seminar organized by the Central Bank of Uzbekistan on topic "Legalization of revenues acquired from criminal activity". Besides, 5 specialists attended special seminars on "Information security" at the National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek, and another 6 specialists attended the seminars on information technologies.

Furthermore, 102 specialists of Central Office of National Bank of Uzbekistan, NBU Investment, NBU Invest Group, and the Fund for Support of Export Activity of Small Enterprises and Private Entrepreneurship participated in the three days seminar organized by Deutsche Bank regarding the sharing of experience in international issues. 21 specialists participated in the study course for medical workers and their civilian protection and improved their qualification.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ  
МИЛЛИЙ БАНКИ



## **ЎЗМИЛЛИЙБАНК ҚОШИДАГИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ЭКСПОРТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМҒАРМАСИ**

FUND FOR SUPPORT OF EXPORT OF SMALL  
BUSINESSES AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIPS  
**UNDER THE BANK**



Ўзмиллийбанк қошидаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш Жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2013 йил 8 августдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2022-сонли Қарорига мувофиқ, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликларининг экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш, уларга замонавий, чет эл бозорларида рақобатбардош бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришда ва уни экспорт қилишда зарур ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий кўмак кўрсатиш, мамлакатимизнинг экспорт қилувчи тадбиркорларини ташқи бозор конъюнктураси ўзгаришлари хавфхатарларидан ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида ташкил этилди.

Жамғарма ўз олдига қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, 2016 йил давомида 3356 та тадбиркорлик субъектларига ўз товар ва хизматларини ташқи бозорларга чиқариш бўйича ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий хизматлар кўрсатди. Натижада, умумий қиймати 2 млрд. 903 млн. АҚШ долларлик экспорт шартномалари тузилди ҳамда 470 та тадбиркорлик субъектларининг 1 млрд. 394 млн. АҚШ долларлик товар ва хизматлари экспорт қилинди. Бу борадаги ўсиш ўтган йилга нисбатан 33 фоизни, яъни 348 млн. АҚШ долларни ташкил этди.

Жамғарма тадбиркорларга қўйидаги йўналишларда:

- 2911 та тадбиркорларга ташқи бозорларни ўрганишда, жумладан, уларнинг 175 тасига хорижий ҳамкорлар топишида;
- 286 та тадбиркорнинг хорижий кўргазма, ярмарка, халқаро савдо тендерларида қатнашишида, халқаро даражадаги сертификат, рухсат берувчи ҳужжатлар, шунингдек, божхона расмийлаштирувида;

The Fund for support of export of small businesses and private entrepreneurship under the Bank was established according the First President's Decree on the "Additional measures to support exports of small businesses and private entrepreneurship" №2022 dated 8th August, 2013. The main objectives of establishing such Fund were widening of export capacity of small business and private entrepreneur entity, providing them with necessary legal, financial and organizational assistance in the increase of production of modern output competitive in foreign markets and its promotion for export, provision of reliable protection of the domestic entrepreneur-exporters from the risks of changes of the conjuncture of the external market.

Based on its assigned tasks, the Fund has provided legal, financial and organizational services to 3356 business entities in 2016 to promote their goods and services on foreign markets. As a result, 2.903 billion US dollars export contracts were signed and 1.394 billion US dollars goods and services of 470 business entities were exported. There was 33% or 348 million US dollars increase in these activities compared to 2015.

The Fund has assisted entrepreneurs in the following areas:

- 2911 entrepreneurs were assisted in the analysis of foreign markets, besides, 175 of them in finding foreign partners;
- 286 entrepreneurs were assisted in taking part in foreign exhibitions, fairs, and international tenders, obtaining international certificates, permits, as well as, in customs clearance;
- 159 entrepreneurs were assisted in making export contracts and entering them into the single electronic database.

Furthermore, during 2016 to support entrepreneurs financially the Fund provided 2.334 billion US dollars financial aid. 1.663 billion

- 159 та тадбиркорга экспорт шартномаларини тузиш ва ягона электрон маълумотлар базасига киритишида кўмаклашди.

Бундан ташқари, 2016 йил давомида тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида умумий қиймати 2 миллиард 334 миллион сўм, бундан 1 млрд. 663 млн. сўми фоизсиз молиявий қарз ва 671 млн. сўми кўргазмаларни ташкиллаштириш учун молиявий кўмак ажратилди. Бунинг натижасида 447 миллион АҚШ долларлик экспорт шартномалари имзоланди ва улар доирасида 72,5 млн. АҚШ долларлик экспорт амалга оширилди.

Ҳисобот даврида Жамғарма кўмагида 242 та тадбиркорлик субъектларининг 10 та халқаро кўргазмаларда иштироки таъминланди. “Яшил ҳафта-2016”(январь, Берлин шаҳри, Германия), “Who's Next – Pret-a-Porter 2016”(январь, Париж шаҳри, Франция), “AYMOND 2016” (май, Истанбул шаҳри, Туркия), “Turkmen Build 2016” (май, Ашхобод шаҳри, Туркманистон), “Мебель ва Интерьер”(июнь, Олмаота шаҳри, Қозогистон), “Mare D'Amare” (июль, Милан шаҳри, Италия), “World Food Moscow” ва “Текстильегпром 2016”(сентябрь, Москва, РФ), “Western China International Fair 2016” (ноябрь, Ченду шаҳри, Хитой), “World Food Expo Korea” (декабрь, Сеул шаҳри, Корея) шулар сирасига киради.

Мазкур тадбирлар натижасида умумий қиймати 425,3 млн. АҚШ долларлик қатор экспорт шартномалари имзоланди ва 71 миллион АҚШ долларлик экспорт амалга оширилди. Ўтган йилга таққослаганда, кўргазмалар сони 4 тага, иштирокчилар сони 78 тага ёки 48%, экспорт шартномалари қиймати 2,7 баравар ёки 265 миллион долларга ошди.

Шу билан бирга Жамғарма 2016 йилнинг июль ва ноябрь ойларида мамлакатимизда ташкил қилинган халқаро озиқ-овқат ярмаркасида қатнашиб, 70 дан ортиқ хорижий импорт қилувчилар билан музокаралар олиб борган ҳолда 700 млн. АҚШ долларлик экспорт шартномаларининг имзоланишида ва 5,3 миллион АҚШ долларлик экспорт амалга оширилишида ўз ҳиссасини қўшди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи

Soums of this amount was a zero interest loan and 671 million Soums was provided to organize exhibitions. As a result, 447 million US dollars export contracts were signed and 72.5 million US dollars worth goods were exported.

Last year the Fund provide assistance to 242 entrepreneurs to participate in the 10 international exhibitions. Particularly, “Green Week-2016” (in January, Berlin, Germany); “Who's Next – Pret-a-Porter 2016” (January, Paris, France); “AYMOND 2016” (May, Istanbul, Turkey), “Turkmen Build 2016” (May, Ashgabat, Turkmenistan), “Furniture and Interior” (June, Almaty, Kazakhstan), “Mare D'Amare” (July, Milan, Italy), “World Food Moscow” and “Tekstillegprom 2016” (September, Moscow, Russia), “Western China International Fair 2016” (November, Chendu, China), “World Food Expo Korea” (December, Seoul, Korea) are among them.

As a result of the participation in these exhibitions, 425.3 million US dollars export contracts were signed and 71 million US dollars goods were exported. Compared to the previous year the number of exhibitions increased by 4, participants by 78 or 48%, the total of export contracts increased by 2.7 times or to 265 million US dollars.

Additionally, the Fund participated in the International Food Fair organized in July and November 2016 and while having negotiations with more than 70 foreign importers contributed to signing 700 million US dollars export contracts and exporting 5.3 million US dollars worth goods.

According to the First President's Decree №2507 dated 16th March 2016, the Fund has established its 7 representative offices in Moscow and Ufa (Russia), Milan (Italy), Seoul (South Korea), Sofia (Bulgaria), Geneva (Switzerland) and Madrid (Spain).

Furthermore, according to the Decree of the Cabinet Ministers of Uzbekistan №382 dated 9th November 2016 on the “Effective use of dehkan farms in Surkhandarya region”, in November 2016 the Fund, in collaboration with JSC “Uzagroeksport”, established fruit and vegetables exporting 15 agro firms in all

Президентининг 2016 йил 16 мартағи ПҚ-2507-сонли Қарорига мувофиқ, Жамғарма томонидан Россия Федерациясининг Москва ва Уфа, Италиянинг Милан, Жанубий Кореянинг Сеул, Болгариянинг София, Швейцариянинг Женева ва Испаниянинг Мадрид шаҳарларида жами 7 та хорижий ваколатхоналар очилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 9 ноябрдаги № 382-сонли “Сурхондарё вилоятида дәхқон хўжаликлари имкониятларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан Жамғарма ноябрь ойининг ўзида “Ўзагроэкспорт” АЖ билан ҳамкорликда вилоятнинг барча туманларида мева-сабзавотлар экспорти билан шуғулланувчи 15 та агрофирмалар фаолиятини йўлга қўйди ва уларга 29,5 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилишида яқиндан кўмак кўрсатилди.

districts of the region and provided a close assistance to them in obtaining 29.5 billion soums privileged loans.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ  
МИЛЛИЙ БАНКИ



## ЎЗБЕКИСТОН ТАСВИРИЙ САНЪАТ ГАЛЕРЕЯСИ

GALLERY OF THE ARTS OF UZBEKISTAN

